O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 1 август, № 149 (4302) Чоршанба

# ОМАД БИЛИМДОНГА КУЛИБ БОҚАДИ



**Бугун мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртларида тест синовлари ўтказилади.**



***Қаранг, кўпйиллик мақсад-муддаолар рўёби бир кунда, бир кун ҳам эмас, саноқли соатларда ҳал бўлади. Ёшларнинг мактабда олган билимларию келгуси режалари, ота-оналарнинг орзу-умидларию мураббийлар ишончи шу қисқа вақтда ўз баҳосини олади.***

Маълумки, ўтган йили республикамиз олий таълим муассасаларига умумий қабул сони **1329** тага кўпайтирилиб, **63769** та этиб белгиланганди. Мамлакатимиз Президентининг "2007/2008 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, бу йил ҳам шу миқдор сақлаб қолинди. Жумладан, бакалавриатга ажратилган **51 604** ўринга **19 945** нафар абитуриент давлат гранти, **31 659** нафари эса шартнома асосида ўқишга қабул қилинади.

*Истиқлол йилларида мамлакатимизда таълим тизимига қаратилган эътибор, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқитиш сифатини яхшилаш борасидаги улканислоҳотларнинг самараси ўлароқ, бугунги ёшларнинг билим доираси, дунёқарашида улкан ўзгаришлар рўй бераётир. Абитуриентлар сони бўйича ўтказилган таҳлиллар ҳам ёшларнинг ўқишга, малакали мутахассис бўлишга қизиқиши тобора ортиб бораётганини кўрсатяпти.*

*Давлат Тест марказидан олинган маълумотларга кўра, 2004 йилда олий таълим муассасаларига кириш учун ҳужжат топширганлар сони 249 мингдан ошган бўлса, 2005 йили бу кўрсаткич 283 мингтага етган эди. Ўтган йили эса абитуриентлар 314 минг нафарни ташкил этди.*

*Бошқача айтганда, 2005 йили бир ўрин учун 4,7 абитуриент кураш олиб борган бўлса, ўтган йили бу рақам 5,4 га етди. Жорий йилда эса бир ўринга 6 абитуриент тўғри келаяпти.*

*Ҳар бир мамлакатнинг равнақи, мавқеи ва шуҳрати, аввало, шу юрт фарзандларининг ҳар томонлама етук ва баркамоллигига боғлиқ, албатта. Бугун ўз билимларини синовдан ўтказаётган ёшлар ҳам зиммаларидаги ушбу масъулиятни астойдил ҳис этишига ишонамиз. Ватанимизнинг порлоқ келажагини бунёд қилиш учун бел боғлаган ана шундай йигит-қизларга омад тилаймиз.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## 2007 — 2011 йиллар мобайнида Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида

*Кимё саноатини янада барқарор ва мутаносиб ҳолда ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона фойдаланиш, энергияни тежайдиган ҳамда экологик хавфсиз самарали технологияларни жорий этиш, экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардош кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида:*

1. Қуйидагилар 2007 — 2011 йиллар мобайнида Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурининг асосий вазифалари деб ҳисоблансин:

замонавий юқори самарадор технологиялар, ускуналар ва технологик жараёнларни бошқаришнинг энг янги тизимларини қўллаш йўли билан ишлаб чиқаришнинг техник даражаси ва самарадорлигини ошириш, кимё корхоналарининг эксплуатациявий ишончлилиги ва экологик хавфсизлигини таъминлаш;

ташқи ва ички бозорларда барқарор суръатда ғоят харидоргир бўлган кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва турини кенгайтириш, уларни экспортга етказиб бериш ҳажмларини сезиларли даражада ошириш;

маҳаллий хомашё ресурслари ва базавий кимё маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш йўли билан экспортга мўлжалланган ҳамда импорт ўрнини босадиган кимёвий маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш.

2. «Ўзкимёсаноат» ДАК томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилган 2007-2011 йиллар мобайнида Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича қуйидагиларни ўз ичига олган дастур маъқуллансин:

Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурини амалга ошириш, асосий турдаги кимё маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг мақсадли прогноз параметрлари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

Кимё саноати корхоналари томонидан барқарор харидоргир бўлган кимё маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳажмлари ва экспортга мўлжалланган ҳамда импорт ўрнини босадиган кимё маҳсулотларининг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш 3-иловага мувофиқ;

Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳалар рўйхати 4-иловага мувофиқ.

«Ўзкимёсаноат» ДАК ва тармоқ корхоналари раҳбарлари зиммасига 2007 — 2011 йиллар мобайнида Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурининг мақсадли прогноз параметрларига эришиш ҳамда унга киритилган лойиҳаларни тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминлаш борасида шахсий жавобгарлик юклансин.

3. «Ўзкимёсаноат» ДАК, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти манфаатдор вазирликлар, идоралар ва тижорат банклари билан биргаликда асосий турдаги кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспортга етказиб бериш бўйича белгиланган мақсадли параметрларнинг сўзсиз бажарилиши учун лойиҳа ҳужжатларининг ўз вақтида ишлаб чиқилиши, келишиб олиниши ва ўрнатилган тартибда тасдиқланишини, шунингдек мазкур қарорнинг 4-иловасига киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминласин.

4. «Ўзкимёсаноат» ДАК манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда «Фарғонаазот»

(Давоми 2-бетда).

## САУДИЯ АРАБИСТОНИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

*Мамлакатимизга ташриф буюрган Саудия Арабистони Подшоҳлиги маданият ва ахборот вазирининг ўринбосари Абу Бакр Боқодир раҳбарлигидаги делегация аъзолари 31 июль куни Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Рустам Қурбонов билан учрашди.*

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳалар сингари маданият жабҳасида ҳам ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасидаги маданий соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

Саудия Арабистони делегацияси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида ҳам музокара ўтказди.

Меҳмонлар Мустақиллик майдонидаги Мустақиллик ва эзгулик монументини бориб кўрдилар. Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти — ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши муносабати билан ташкил этилган "Ислом маданияти ривож топган юрт" мавзуидаги бадиий кўргазма билан танишдилар. Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуини кўздан кечирдилар.

— ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши юртингиз ва буюк аждодларингизнинг жаҳон цивилизацияси ва Ислом маданияти ривожига қўшган улкан ҳиссасининг халқаро миқёсдаги ёркин эътирофидир, — деди Абу Бакр Боқодир. — Бизга ҳам катта ифтихор бахш этувчи ушбу эътироф мамлакатингиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида ўзбек заминидан етишиб чиққан буюк алломаларнинг бой меросини тиклаш, асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасидир.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**



**Янги авиақатнов**

***Мустақил юртимизнинг «олтин қанотлари» — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётлари мана ўн беш йилдирки дунёнинг кўплаб мамлакатлари, шаҳарларига мунтазам қатновларни амалга ошириш билан бирга, янги-янги авиайўналишлар бўйлаб ҳам учишмоқда.***



## ТОШКЕНТДАН МИЛАНГАЧА

Яқинда парвозлар йўналиши яна биттага кўпайди. Ўтган куни миллий авиакомпаниямизга қарашли замонавий «Боинг-767-300» самолёти Италиянинг йирик шаҳарларидан бири — Милан халқаро аэропортига қўнди. Шу куни бу ерда янги авиайўналиш тақдимоти бўлиб ўтди.

Тақдимот маросимида сўзга чиққан Милан халқаро аэропорти раҳбарияти вакиллари, хусусан, Аурицио Мерендaнинг таъкидлашича, италияликлар ўз заминида ўзбек авиакомпанияси қатнови очилганидан ғоят мамнундирлар. Унинг айтишича, италияликларнинг Буюк Ипак йўлида жойлашган ва қадимий тарих, ўзига хос маданиятга эга бўлган Ўзбекистонга қизиқишлари жуда катта. Эндиликда Италия шимолида яшовчилар дунёга машҳур Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларини кўриш учун Римга боришлари шарт эмас, балки Милан халқаро аэропортига келишса бас.

Айтиш лозимки, ушбу авиақатнов ўзбекистонликлар учун ҳам жуда қулай. Маълумки, Италиянинг иккинчи йирик шаҳри — Милан мамлакатнинг савдо-сотиқ, саноат, банк маркази ҳисобланади. Яна ушбу шаҳар ўзига хос тарихий обидалар ва Уйғониш даврида ижод қилган машҳур рассомлар асарлари сақланаётган музейларга эга. Бундан ташқари, Милан янги либослар яратиладиган марказлардан бири экани барчамизга маълум. Шу ўринда дунё футболининг етакчи жамоаларидан бири — «Милан» футбол клуби ҳам шу ерда жойлашганини эслатиб ўтиш жоиз.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг бевосита раҳнамолигида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси тез ривожланиб, юртимизнинг жаҳон майдонидаги нуфузини янада оширишга ўз ҳиссасини қўшаётир. Тошкент — Милан авиайўналиши эса икки миллат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш билан бирга, Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади.

**Д. САЛИМОВ.**




**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

**Хабарингиз бор, жорий йилнинг олти ойи якунларига кўра мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми**

**9.7 фоизга ўсди.**

Бундай кўрсаткичга эга давлатлар сони жаҳонда у қадар кўп эмас. Жумладан, "The Financial Times" нашрининг ёзишича, олти ойда ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича Хитой 11.9 фоиз ўсишга эришди. Ҳиндистон, Венесуэла, Аргентина сингари давлатлардаги ўсиш эса 9 фоиз атрофида бўлди, деб ёзади "The Economist" журнали. Россия, Сингапур, Индонезия, Чилининг бу борадаги ҳолати 6-8 фоизгача етган. Яна бир таққос: ярим йилда АҚШнинг ЯИМ ўсиши кўрсаткичи 2 фоиз атрофида бўлган.

## КЎҲНА ШАҲАРНИНГ ЯНГИ ЧИРОЙИ

*Ўзининг икки минг йиллик юбилейини қаршилаш арафасида турган кўҳна Марғилон кунда бир яшнаб, тобора чирой очиб бораяпти. Қутлуғ тўй шарофати билан фойдаланишга топширилган бири-биридан кўркам, салобатли иншоотлар, хиёбонлар, таъмирланаётган мажмуалар шаҳар ҳуснига-ҳусн қўшмоқда.*



Истиқлол замонига кечмишларидан сўйлаб турган маҳобатли зиёратгоҳ, хилхоналардан бири «Пири Сиддиқ» мажмуаси ҳисобланади. Фиқҳ илмининг султони Бурҳониддин Марғиноний 9 ёшида шу ердаги мадрасага келиб, 13 йил илму урфондан сабоқ олганлиги, машҳур «Ҳидоя» асарининг дастлабки бобларини ёзганлиги тарихдан яхши аён. Собиқ шўролар даврида бу муборак маскан оёқости қилинди, мол бозорига айлантирилди. Мустақиллик эса яна тарихий масканни файзли зиёратгоҳга айлантирди. Тубдан таъмирланган, қайтадан тикланган буюк аллома чиллахонаси, ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ авлодлари хилхонаси, кенг, равон хиёбонлар ҳозирданоқ зиёратчилару сайёҳлар билан гавжум.

Шаҳарнинг кўҳна обидаларидан яна бири Саид Аҳмадхўжа мадрасаси истибдод тузуми даврида қамоқхона бўлган, кейинчалик минерал ўғитлар сақланадиган омбор вазифасини бажарди. Мустақиллик, юбилей шарофати билан мадраса икки аср аввалги қиёфасига

(Давоми 2-бетда).



# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## 2007 — 2011 йиллар мобайнида Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

ОАЖда АМ-76 аммиаки ишлаб чиқаришини капитал-тиклаш таъмирлаш элементлари билан реконструкция қилиш» ва «Чирчиқ «Электркимёсаноат» ОАЖда АМ-76 аммиакининг йирик тоннали агрегатини реконструкция қилиш ва модернизациялаш» инвестиция лойиҳаларининг дастлабки техник-иқтисодий асосларини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» мазкур лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий манбалардан жалб этиладиган кредитлар бўйича қайта молиялаштирувчи банк этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси 2007-2008 йилларда мазкур инвестиция лойиҳаларини тасдиқланган ДТИАга мувофиқ 4-иловада кўрсатилган ҳажмларда биргаликда молиялаштиришни назарда тутсин.

5. «Фарғонаазот» ОАЖ ва «Электркимёсаноат» ОАЖ Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатларга биноан мазкур лойиҳаларни амалга ошириш доирасида олиб келинадиган асосий технологик ва ёрдамчи ускуналар (эҳтиёт қисмларнинг норматив комплекти билан), технологик жиҳозлар ва эҳтиёт қисмлар, дастурий маҳсулотлар, техник ҳужжатлар 2009 йилнинг 1 июнигача божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо вазирлиги ҳар йили Инвестиция дастурини шакллантиришда 2007 — 2011 йиллар мобайнида Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурида кўзда тутилган инвестиция лойиҳалари, биринчи навбатда маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш, уларнинг экспорт ҳажмларини ошириш ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни назарда тутилган ҳолда, унга белгиланган тартибда киритиб борилишини таъминласин.

7. Хорижий инвестициялар иштирокида йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашга (Н.М. Ханов), Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан «Ўзкимёсаноат» ДАКнинг қўшма тақдимномаси бўйича, 2007 — 2011 йиллар мобайнида Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурига, экспорт қилишга мўлжалланган замонавий турдаги кимё саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган корхоналар ташкил этишга оид янги инвестиция лойиҳалари қўшилишини назарда тутган ҳолда, аниқлик ва қўшимчалар киритишга рухсат берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2010 йилгача даврда Жерой-Сардара кони негизида таркибида фосфор бўлган ўғитлар ишлаб чиқариш ва экспортга етказиб беришни кўпайтириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида» 2006 йил 18 июлдаги ПҚ-420-сон қарорининг 5, 6 ва 7-бандлари ва 1-иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Р. Шоисматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 27 июль.

---

**Бугуннинг гапи**

***Деҳқончилик тақвимига кўра, асад кирди. Пахтакор деҳқонлар учун энг масъулиятли палла бошланди. Негаки, халқимиз асад – августни ҳосилга-ҳосил қўшиладиган, улкан "оқ олтин" хирмони асослари бунёд этиладиган ой, деб билишади. Зотан, бу даврда ғўза агротехника талаблари асосида парваришланса, сув вақтида таралиб, культивация меъёрида қилинса, унинг ривожи тезлашиб шоналар гулга, гуллар кўсакка айланади. Ой охирида бодраб очилган пахта ҳосили тарозига тушади.***



# АВГУСТДАГИ МЕҲНАТ — ПАХТАДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ ОЛИШ ГАРОВИ



Асаднинг ўзига хос томони шундаки, бу пайтда ҳамма фермернинг ёнига кириши, айниқса, сувчи, механизатор, энтомолог ишига масъулият билан ёндашмоғи даркор. Чунки, бу ойда бажариладиган агротехника тадбирларининг қатор нозик жиҳатлари бор. Уни бекаму кўст адо этмасдан туриб, мўл ҳосил олишнинг иложи йўқ. Шунинг учун асадда экинни том маънода ясатиш керак. Бунинг биринчи шарти ғўзани сувга қондиришдир.

*Мутахассисларнинг айтишича, айни пайтда ҳар бир ғўзада ўртача **5-6** тадан бўлиқ кўсак бор. Баъзи фермер хўжаликларида эса кўсаклар сони **7-8** тага етган. Август ойининг агротехника тадбирлари маромида бажарилса, уларнинг ёнига яна **5-6** тадан кўсак қўшилади.*

Тўғри, бу йил кўкламнинг серёғин келиши экин-тикин ишларида бир оз қийинчиликлар туғдирди. Аммо табиатнинг бундай синовларида тобланган республикамиз деҳқонлари чигитни оби-тобида ундириб олдилар. Бунда ҳукуматимиз томонидан уларга муносиб иш шароити яратилиб, "иссиқсовуғи"дан бохабар бўлиб турилгани муҳим омил бўлди.

Мутахассисларнинг айтишича, айни пайтда ҳар бир ғўзада ўртача 5-6 тадан бўлиқ кўсак бор. Баъзи фермер хўжаликларида эса кўсаклар сони 7-8 тага етган. Август ойининг агротехника тадбирлари маромида бажарилса, уларнинг ёнига яна 5-6 тадан кўсак қўшилади. Хўш, бунинг учун қайси амални қандай бажарган маъқул?

Кекса деҳқонлар ҳосил тақдири ҳал бўладиган шу дамларда қатор оралаб ғўзаларни "вараклайди". Шу асънода пайкалдаги экиннинг қаерида аҳвол қандайлигини аниқлайди. Бунинг бошқа бир ижобий жиҳати ҳам борки, унинг иқтисодий аҳамияти ниҳоятда катта. Яъни "варақланган" ғўзалар бағрига шабада тегиб, бўлажак ҳосилнинг баракаси таъминланади. Шунинг учун мўл ҳосилни кўзлаган фермер ғўза оралашдан эринмаслиги керак.

Халқимиз бежиз "Асад суви – асал сув" дейишмайди. Бу тадбир тунда амалга оширилса айни муддао. Сабаби, оби ҳаёт офтоб тиғида буғланмайди, ғўза қониб сув ичади. Аммо суғоришни кўллатиб ҳам, чўллатиб ҳам бўлмайди. Мабодо ғўзага сув вақтида таралмай чанқатиб қўйилса, гул ташлайди. Охир-оқибат ҳосил салмоғига путур етади. Кўллатилса-чи? Ғўза кўкка зўр бериб, ғовлаб кетади. Пировардида ҳосил тугунчалари етарли озуқа ололмай "сиқилиб" қолади, димиқиб тўкилиб кетади. Бу шунчаки гап эмас. Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти тажрибаларидан аниқланишича, агар суғориш кечикса, пахта ҳосили гектарига 6-7, ҳатто 9-10 центнергача, муддатидан илгари суғорилса 3-6 центнергача камаяди. Мана, энди англагандирсиз бу тадбирнинг нечоғли нозиклигини.

Мутахассисларнинг айтишича, ғўзага маъданли ўғитлар бериш аллақачон якунланган. Лекин бу энди экинни озиқлантириб бўлмайди, дегани эмас. Қатор ораларига "шарбат" оқизишни сусайтирмаслик керак. Бунинг фойдасини тажрибали фермерлар яхши билишади. Чунки у экинга мадор бўлибгина қолмай нам сақлаб, об-ҳаётни иқтисод қилиш имконини беради.

Кези келганда айтиш керакки, илгари олинадиган ҳосил чўғи ер эгасининг жамғарган маҳаллий ўғитига қарата чамаланган экан. Мутахассисларнинг фикрлари ҳам шунга ҳамоҳанг: "шарбат" сувига тўйиган ғўза мўл ва сифатли ҳосил тўплайди. Шу маънода қайси фермернинг катта хирмон уйишини унинг пайкал бошига чиқарган биоўғити-ю, уни нечоғли устамонлик билан жўякларга оқизаётганидан ҳам фаҳмлаш мумкин.

Иккиланмай айта оламизки, бундай деҳқонлар республикамизда мутлақ кўпчиликни ташкил этади. Ўтган яқин йилларда ушбу усулни қўллаб, эл-юрт олдида юзи ёруғ бўлган, рўзғорига барака кирган минг-минглаб фермерларнинг фаолияти бунга яққол мисолдир.

Августда таралган сув ғўзага қувватдир. Мўл ҳосил тўплаш культивациянинг нечоғли сифатли бажарилганига ҳам боғлиқ. Мутахассислар жорий йил мазкур агроюмушни тупроқ етилиши билан тез-тез ва чуқур қилиб ўтказишни маслаҳат беришмоқда. Культиваторнинг тегишли ишчи органларини "йўрттириб" эмас, балки "одимлатиб" юргизиш талаб қилинади. Ана шунда сувдан кейин униб чиққан бегона ўтлар бутунлай йўқолади. Энг муҳими, ғўзанинг илдиз тизимига зарур бўлган ҳаво ва иссиқлик яхши ўтиб, унинг ривожи жадаллашади.

Мутахассисларнинг уқтиришларича, культивация бир кун кечикса ҳам зарар. Жўяклар қуриб, ер ёрилиб, культивация пайтида ғўза томирлари шикастланади. Бир томир узилиши битта шона, битта гул, демакки, битта кўсак нобуд бўлди, деганидир. Шунинг учун ғўза парваришида миробу механизатор ҳамкорлигининг аҳамияти беқиёсдир.

Чеканка асадда бажариладиган муҳим агротехника тадбирларидан ҳисобланади. Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, у – ҳосилга ҳосил қўшишнинг асосий шарти. Кўп йиллик тажрибалардан ҳам маълумки, мазкур юмуш сифатли уддаланса, ҳосилдорлик 8-10 центнергача ошади. Бу масаланинг бир жиҳати. Иккинчи томони шундаки, чеканка баҳонасида "варақланган" қатор ораларида шабада юради. Натижада кўсаклар бўлиқ ва салмоқдор бўлиб, эрта очилади.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассисларининг сўзларига кўра, аксарият вилоятларда ҳозир чеканка ўтказилмоқда. Бу тадбир ўз вақтида бажарилса, ҳосил тугунчаларининг тўкилиши 10-15 фоизга камаяди, кўсакнинг вазнига вазн қўшилиб, очилиши 7-10 кунга тезлашади.

Одатда, август кириши билан ҳарорат пасайиб, тунлари салқин тушади. Бу кўсак қурти, ўргимчаккана каби зараркунандаларнинг кўпайишига қулай шароитни юзага келтиради. Модомики, бундай ҳашаротлар белги берар экан, уни даф этиш учун биологик курашни зудлик билан ўтказиш шарт. Бу жараёнда мутахассислардан ҳам алоҳида масъулият талаб этилади. Улар маслаҳат, йўл-йўриқ бериб, ташаббускорлик кўрсатишлари лозим. Негаки, бепарволиқ, бефарқлик фақат зарар келтиради. Айниқса, ҳосил тақдири ҳал бўлаётган шу кунларда.

Аслида ўзбекнинг ҳар бири пахтакор. Улар августдаги зарбдор меҳнат — пахтадан юқори ҳосил олиш гарови эканлигини яхши билишади. Таъбир жоиз бўлса, ғўзанинг рангига қараб, унинг ҳолини, ҳолатини, бу пайтда нима қилиш кераклигини мутахассислардек айтиб беришади. Шу кезларда ҳар биримиз пахтакорга мададкор бўлиб, қўлимиздан келганча ёрдам берсак, уйилажак хирмонимиз янада баланд бўлади. Миллий бойлигимиз — "оқ олтин", ҳар йилгидек, мўл-кўл бўлиб, мамлакатимиз куч-қудратининг янада ошишига хизмат қилади.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» шарҳловчиси.**

---

# КЎҲНА ШАҲАРНИНГ ЯНГИ ЧИРОЙИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

қайтди. Миллий ҳунармандчилик марказига айлантирилди. Марказда нафақат марғилонлик, балки бутун водийлик ҳунармандлар, усталар, заргарлар, атлас-адрас тўқувчилар, мисгарлар, соз усталари ижодининг энг яхши намуналар билан танишиш мумкин.

Ўзбек мумтоз адабиётининг ёрқин намояндаси Жаҳон отин Увайсий ижоди Мағрибу Машриқда машҳур. Лекин унинг киндик қони тўкилган хонадон, авлодлар хилхонаси эътибордан четда қолиб келаётган эди. Адабиётимизга 15 минг мисрадан зиёд бой адабий мерос қолдирган шоиранинг шоир Амирий — Қўқон хони Умархон томонидан икки аср аввал қуриб берилган уйи қайтадан тикланди, авлодлари хилхонаси, шоира қабри обод бўлди. Бу муборак масканда ўтказилган илк мушоирада Увайсийнинг чевара-дувара шогирдлари билан бир қаторда академик Азиз Қаюмов, профессор Тўра Мирзаев, Суйима Ғаниевалар иштирок этдилар.

Айни кунларда Марғилонга йўлингиз тушиб қолса, ҳар куни бир қутлуғ маросим, янги иншоот, мажмуа, гузарлар ишга тушаётганлиги, фойдаланишга топширилаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Фуқаролик ҳолатларига далолатнома ёзиш бўлимида никоҳдан ўтган ёш келин-куёвлар Баҳодир Холматов ва Гўзалхон Дўсматова, Ойбек Шокиров ва Мунира Султонова, Шерзод Акрамов ва Нигора Қорабоева ҳамда Бобир Нуриддинов ва Нозима Юнусова никоҳ гувоҳномаси олиш баро-



барида қимматли тўёналар билан ҳам сийландилар.

Айниқса, бугун марғилонлик ёшлар, ўсмирлар, таътилдаги ўқувчиларнинг қувончи чексиз. Улар учун барпо этилган «Ёшлар хиёбони», «Аквапарк» дам олувчилар, сув спорти ихлосмандларига хизмат қилмоқда. Шаҳарга ташриф буюраётган меҳмонлар эса замонавий усулда қурилган икки қаватли меҳмонхонага жойлашишлари мумкин.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

---

# КАРДИОЛОГЛАР ВА КАРДИОЖАРРОҲЛАР ФОРУМИ

***Наманганда кардиология ва кардиожарроҳликнинг долзарб муаммоларига бағишланган республика семинар-мактаби ўз ишини бошлади.***

Бир ҳафта давомида Ўзбекистон тиббиёт ходимлари россиялик ҳамкасблари билан мазкур соҳага доир масалаларни муҳокама этади.

Анжуманда инсон юрагининг фаолияти билан боғлиқ масалалар — касалликларга ташхис қўйиш ва даволаш, туғма ва орттирилган нуқсонларнинг тарқалганлиги даражаси, уларга ташхис қўйишда тиббий асбоб-ускуналардан фойдаланиш услубини қўллаш, эндоваскуляр жарроҳлик, юрак уришининг бузилиши, юрак клапанлари нуқсонлари, юракнинг ишемик касаллиги ва замонавий кардиология ҳамда кардиожарроҳликнинг бошқа кўплаб долзарб муаммолари муҳокама этилади.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари, Наманган вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси, академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг вилоят бўлими, вилоятдаги кўп тармоқли шифохонанинг етакчи мутахассислари семинар-мактаб мавзулари бўйича маъруза қилади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари хорижий давлатларнинг етакчи тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам беради. Семинар-мактаб ишида иштирок этиш учун наманганлик тиббиёт ходимлари ўзаро яқин алоқа ўрнатган Россиянинг Новосибирск вилояти клиник кардиология диспансерининг бир гуруҳ профессор ва шифокорлари ташриф буюрди.

Илмий йиғилишлардан сўнг беш кунлик амалий машғулотлар ўтказилади. Вилоятдаги кўп тармоқли шифохона кардиожарроҳлик бўлими ва Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази бўлимида етакчи кардиолог ҳамда кардиожарроҳлар туғма ва орттирилган нуқсонлар, юракнинг ишемик касаллигини текширади, операцияларни бажаради, керакли маслаҳатларни беради.

Семинар доирасида замонавий доривор воситалар, тиббиёт асбоб-ускуналари кўргазмаси ҳам ташкил этилган.

**И. РАЗЗОҚОВ,**
**ЎзА мухбири.**

---

## МАМЛАКАТ бўйлаб



## Халқаро олимпиада ғолиблари — талаба!

***Мамлакатимизнинг 6 нафар иқтидорли ўқувчиси Вьетнам пойтахти – Ханой шаҳрида бўлиб ўтган "48-Халқаро математика олимпиадаси"да иштирок этиб қайтдилар.***

Жаҳоннинг 93 мамлакатидан келган 522 нафар йигит-қиз билан ўзаро куч синашган ҳамюртларимиздан бири Қоракўл туманидаги 1-иқтидорли болалар мактаб-интернати ўқувчиси Ўткир Болтаев олимпиаданинг кумуш медали билан тақдирланди. Шунингдек, мазкур мактаб-интернатнинг 11-синф ўқувчиси Ҳамрозжон Чўянов, Китоб туманидаги 1-иқтидорли болалар-интернати ўқувчиси Баҳриддин Абдиев ва Навоий шаҳридаги 11-мактаб ўқувчиси Озод Зоировлар бронза медалини қўлга киритишди. Яна икки иштирокчи – қоракўллик Алишер Эшонқулов ва Боёвут туманидан Рустам Босимов халқаро олимпиаданинг Фахрий ёрлиқларига сазовор бўлдилар.

Эътиборли томони шундаки, халқаро олимпиада қатнашчиларининг тўрт нафари бу кун тенгқурлари тест синовлари топшираётган бир пайтда олий ўқув юрти талабалари бўлишди.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА.**

**СУРАТДА:** мамлакатимизнинг иқтидорли ёшлари.

**Бурҳон РИЗО олган сурат.**

## Ишончли ва тежамли усул

***Тошкент Автомобиль ва йўллар институти олимлари пиллани навларга ажратишнинг ўзига хос янги усулини яратдилар.***

У ота-боболаримиз азалдан дон ва чигитни шамол ёрдамида совуриб тозалашда қўллаб келган усулга ўхшаб кетади: хомашё тебранувчан тўр қутига солинади ва унга кучли ҳаво оқими йўналтирилади. Натижада пуч пиллалар ғумбаги бор, мағзи тўқ пиллалардан ажралиб, юзага чиқиб қолади. Бу ипак қурти боққанлар учун ҳам, уни қайта ишловчилар учун ҳам ниҳоятда қулайдир.

Синов-тажрибаларнинг кўрсатишича, янги усул сифатли пиллаларни саралашда асқотишидан ташқари, вақтни ҳам тежайди. Илгари бир неча соатга чўзиладиган жараён саноқли дақиқалар ичида амалга оширилиши мумкин. Шу боис у ҳозир Тошкент вилоятининг Бекобод, Бўка, Янгийўл, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ ва Оққўрғон туманлари пиллахоналарида муваффақиятли қўлланилмоқда.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Урганчнинг голландча пишлоғи

***Урганчлик Умарбек Шарипов Хоразм вилоятида пишлоқ ишлаб чиқаришни биринчи бўлиб йўлга қўйган тадбиркор ҳисобланади. Бу ерда Италиядан келтириб ўрнатилган технологик ускуналар ёрдамида кунига 2,5-3 тонна сут қайта ишланмоқда.***

Эл дастурхонига сариёғ, «Голланд пишлоғи», «Тошкент», «Латвия пишлоғи» каби олти турдаги маҳсулот етказиб берилаяпти. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 95 фоиз харидори пойтахт ва бошқа вилоятлар аҳолисидир.

— Корхонамиз маҳсулот сифатини аниқлайдиган энг замонавий жиҳозларга эга, — дейди Умарбек Шарипов. — Масалан, «Молокомер» ўлчов асбоби саноқли дақиқаларда сут таркибини ўнта кўрсаткич бўйича бехато аниқлаб бера олади. Бу эса маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини таъминлаяпти.

Тадбиркор бу ишни бошлаш учун кўп изланди. Россия сут маҳсулотларини қайта ишлаш илмий-тадқиқот институтида малака ошириб қайтди. Ўтган йили Москва шаҳрида бўлиб ўтган озиқ-овқат маҳсулотлари кўргазмасида қатнашди. Унинг нияти — маҳсулотларини хорижга экспорт қилиш.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Янги линия ишга тушади

**"Ургут яшил олтини" кўп тармоқли МЧЖда аҳолини хўжалик моллари билан таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш йилдан-йилга ривожлантирилмоқда.**

Айни пайтда, жамият жамоаси шифер ишлаб чиқарувчи учинчи линияни ишга тушириш арафасида. Бунинг учун Беларусь Республикасидаги "Строммаш" заводидан бир кеча-кундузда 3000 дона асбестцементли шифер ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган технологик ускуна олиб келинди.

Ҳозирда корхонада шифер ишлаб чиқарадиган иккита линия тўлиқ қувват билан ишлаб турибди. Келтирилган янги линия харидорларнинг бу маҳсулотга бўлган талабини тўлиқроқ қондириш имконини беради. Корхона маҳсулотларининг сифати юқорилиги боис уларга вилоят бозорларида талаб ортиб боряпти.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «Sarkor Telecom»дан янги сайт

***Интернет хизматини кўрсатувчи "Sarkor Telecom" компанияси мижозлари учун янги кино сайт — kinoman.uz очилди.***

Эслатиб ўтиш жоизки, ушбу компания кенг миқёсли он-лайн лойиҳалар ишлаб чиқиш, шунингдек, мижозларга қулайликлар яратиш бўйича интернет хизматини ташкил этувчи тармоқлар орасида катта мавқега эга. Ана шундай ишларнинг узвий давоми сифатида эълон қилинган янги сайт миллий ва жаҳон киноси янгиликлари ва кинорейтингини бериб бориш ҳамда форумлар ташкил этишга мўлжалланган. Муҳим тарафи, мижозлар сайтдаги фильмларни ўз компьютерларига кўчириб олишлари мумкин.

"Sarkor Telecom" тармоғидаги интернет хизматлари мижозлари ушбу сайтдан бепул фойдаланиш имконига эгадирлар.

**Қобил ХИДИРОВ.**

Тадбир

# Экология байрами

***Фарғонада «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» шиори остида экофестиваль бўлиб ўтди.***

Тадбир доирасида вилоятдаги таниқли хонандалар, ҳаваскор ижодкорлар томонидан она табиатни асраб-авайлаш, муҳофаза қилиш, халқ саломатлигини сақлаш ҳақидаги қўшиқлар, бадиий ижод намуналари кўрик-танлови ўтказилди.

Мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида эришилган ютуқларни тараннум этувчи экспонатлар кўргазмаси ҳам намойиш этилди.

Экологик байрамда республикамизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган меҳмонлар, мутахассислар, халқаро экоташкилотларнинг вакиллари Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонасида экологик хавфсизликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, Шоҳимардон биоминтақасида глобал ва минтақавий муаммоларни бартараф этишга йўналтирилган миллий ва халқаро дастурларнинг бажарилиши, Фарғона туманидаги биолаборатория фаолияти билан яқиндан танишдилар. Ўзининг 2000 йиллик тўйига қизғин ҳозирлик кўраётган Марғилон шаҳрида бунёд этилган янги иншоотлар билан танишдилар, қадамжоларни зиёрат қилдилар.

Экофестиваль якунида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

**С. НАБИЖОНОВ.**

# БУЮК МАДАНИЙ МЕРОС

***Самарқанднинг қадимий тарихи, шонли ўтмиши ҳамон дунё аҳлини лол айлаб келмоқда. Чинданам, бу муаззам шаҳар ўз салоҳияти, қадимий осориатиқалари, бой маданияти билан дунёнинг бошқа шаҳарларидан ажралиб туради. Регистон ансамбли, Гўри Амир, Бибихоним мақбаралари, Шоҳи Зинда мажмуаси, Улуғбек расадхонаси каби тарихий иншоотлар кўҳна шаҳарнинг кечаги куни нечоғли улуғ бўлганидан сўйлайди ва бу ажиб элнинг бугунги саодатидан, эртанги порлоқ келажагидан дарак беради.***

Темур ва темурийлар даврида Самарқандда илм-фаннинг турли соҳалари ҳамда маданиятнинг гуллаб-яшнагани, бой маънавий қадриятлар яратилгани тарихдан маълум. Энг аввало, бундай маданий юксалишнинг муҳим омили кескин сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларда эди. Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг мўғул истилосидан озод этилиши, Чингизхон авлодлари ҳукмронлигининг барҳам топиши йирик ва қудратли туркий давлатнинг юзага келиши ҳамда Самарқанднинг пойтахтга айланиши ана шундай ижобий ўзгаришларнинг бош сабабчиси эди.

Мустақил давлат барпо этган Амир Темур уни мустаҳкамлаш билан бирга, иқтисодиётнинг яхшиланиши ва тараққий топишига жиддий аҳамият берди. Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг ўша пайтда шуҳрат топган бой маданий анъаналари ҳамда қадриятларидан фойдалана олиш мамлакатда маданиятнинг ривожланишига замин яратди.

Бу даврда ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратилиши билан Эрон, араб мамлакатлари, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа давлатлар билан маданий алоқалар тикланди. Бу фақатгина Мовароуннаҳр ва Хуросоннинггина эмас, балки Темур ва темурийларнинг умумий салтанатига кирган ёки унинг сиёсати таъсирида бўлган минтақаларнинг ҳам умумий маданий юксалишига ёрдам берди.

Марказий Осиё тарихида илм-фанни ривожлантиришга эътибор қаратишда Амир Темур ва темурийлар даври ўзгача ибратли ўринни эгаллайди. Ибн Арабшоҳнинг шоҳидлик беришича, «Темур олимларга меҳрибон бўлиб, саййиду шарифларни ўзига яқин тутарди. Уламолар ва фозилларга тўла-тўкис иззат кўрсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан батамом муқаддам кўтарди».

Соҳибқироннинг ҳар доим олимлар билан мулоқотда, суҳбатда бўлганлиги, уларнинг



фикр-мулоҳазаларига қулоқ тутганлиги тарихий манбаларда қайд этилган. «Мен азалдан илм шайдосиман», дер эди буюк бобокалонимиз ғурур ила.

Жуда кўп тарихий адабиётлар бу фикрларнинг ғоят ҳаётий эканлигини исботлайди. Асрлар оша ўтиб келган ривоятлар ҳам Амир Темурнинг фанлардан доимий илм йиғишга ҳаракат қилганлигини кўрсатади. Ибн Арабшоҳ асарида айтилишича, Амир Темур «Подшоҳлар ва халқлар сийратларида билимдон, шарқу ғарб тарихининг отаси ва онаси эди».

Амир Темур илм-фаннинг йирик ҳомийси бўлган. Унинг ҳомийлиги туфайли ҳам илм-фан, адабиёт, санъат таназзулдан чиқиб, ривожланиш босқичига кўтарилди. Темур саройида Абдужаббор Хоразмий, Шамсиддин Мунший, Абдулло Лисон, Бадриддин Аҳмад Нугмаиддин Хоразмий, Хўжа Нугмаиддин Хоразмий, Хўжа Афзал сингарилар илм-фаннинг турли соҳаларида фаолият кўрсатишиб, бутун дунёни лол қолдирган кашфиётлар қилишган. Саройда илм-фан ишларига машҳур Абдулло Лисон раҳбарлик қилган. Темур саройида хизмат қилган амалдорларнинг аксарияти ноёб истеъдод, қобилият соҳиблари бўлишган ва манбаларнинг гувоҳлик беришича, улар соҳибқирон салтанатидан мамнун эдилар.

Шунингдек, «Ҳидоя» муаллифи Бурҳониддин ал-Марғиноний авлодидан бўлган Абдумалик, Нугмаиддин Хоразмий сингарилар турли соҳаларда баракали меҳнат қилганлар. Соҳибқироннинг ҳаётлик пайтидаёқ унинг саройидаги олимлар илмий кашфиётлари билан шуҳрат қозонганлар. Булар қаторига настаълиқ хатининг кашфиётчиси Мирали Хаттотни, ўн икки мақом ижодкори, мусиқа назариётчиси Абдулқодир Мароғийни (1334-1435), буюк риёзиётчи Ғиёсиддин Жамшидни, мунажжим Саййид Шариф Журжонийни (1339-1413), файласуф, қомусий олим Саъдиддин Тафтазонийни (1322-1392), Хожа Муҳаммад Норсони (1420 йилда в.э.) ва бошқаларни киритиш мумкин.

Амир Темур уларнинг меҳнатларини ҳар доим қадрлаган, уларни ҳурматлаган. Буни шундан ҳам аниқ билиш мумкинки, соҳибқирон илму фан, адабиёт, санъат заҳматкашлари билан ҳар доим тахтдан тушиб суҳбатлашган. Суҳбатлар жуда оддий, самимий бўлган. Ибн Арабшоҳнинг айтишича, Темур Алоуддинга (шахматчилар пешқадами, фиқҳчи, ҳадисчи олим Алоуддин ат-Табризий) «Мен мулк сиёсатида ягона бўлганим каби, сен ҳам шахмат оламида тенги йўқсан», дер экан. Амир Темур олимлар билан суҳбат ва баҳслашишлар уюштиришни яхши кўрган. Ғолибларга қимматбаҳо туҳфалар берган.

Ўз давлатини мўғул босқинчиларидан озод қилгандан кейин Самарқанд, Бағдод, Дарбанд, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларни тиклайди, Шоҳруҳия, Иссиққўл, Байлакан, Аспара шаҳарларини қуради. «Соҳибқирон қаерда бўлмасин, — деб ёзади Шарафуддин Али Яздий, — ўша ерда бирон бир жамоат биносини қурдирган.»

Самарқанд атрофида Амир Темур еттита йўлдош шаҳарча, ўн икки чорбоғ барпо этган. Ҳар бир чорбоғ ҳамда чорбоғнинг ўртасига моҳирлик билан қурилган қаср меъморлар ва санъаткорларнинг буюк ижоди саналади. Амир Темур саройининг рассомлари улуғвор меъморлик ёдгорликларининг, деворларга солинган нақшларнинг ҳамда қисман бизнинг кунларимизгача етиб келган миниатюра безаклари бўлган юзлаб қўлёзмаларнинг ижодкорлари — Жаҳонгир Бухорий ва Абдулҳай бўлган. Буларнинг барчаси Амир Темурни темурийлар даври ренессансининг асосчиси, дейишга далил бўлади.

Соҳибқирон маданий меросини ўрганишимиз, уни тарғиб қилишимизнинг янада муҳим ва амалий томони мустақил республикамизда маънавият ҳамда миллий мафкура асосларини бунёд этиш, уни ривожлантириш билан боғлиқдир. Зеро, биз барпо этаётган янги жамият юксак маънавий-ахлоқий қадриятларга таянади ва уларни ривожлантиришга катта эътибор қаратади. Бу жараён миллий истиқлол ғояси ва мафкурасига, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга асосланади.

*Президентимиз таъкидлаганларидек, миллий мафкурани яратиш бир йиллик ёки беш-ўн йиллик иш эмас, халқ, миллат ўз миллий мафкурасини бутун умри давомида такомиллаштириб, бойитиб боради. Миллий мафкурани шакллантириш ва тобора ривожлантиришнинг бундай доимий жараёни, табиийки, тарих билан, халқимиз тарихи билан узвий боғлиқликда кечади ва доимо ундан куч-мадад олиб боради. Шубҳасиз, бу ўринда Амир Темур ва темурийлар даври катта аҳамиятга эгадир.*

**Қўзибой МАМАРАИМОВ,**
**Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси Самарқанд вилоят бўлими бошлиғи, иқтисод фанлари доктори.**

t

Яхши хабар

## Довон йўлида тиббий шохобча

Оҳангарон тумани марказий шифохонаси эл-улус талаб-эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ўз фаолият доирасини тобора кенгайтирмоқда. Жумладан, яқинда Ангрен ва Олмалиқ шаҳарларини ўзаро боғловчи йўлнинг довондан иборат қисмида яна бир тиббий шохобча очилди. Мижозларга тез ва сифатли муолажани йўлга қўйиш мақсадида қўшимча транспорт хизмати ташкил этилди.

**Ҳ. НАБИЕВ.**


«А.Иброҳимов номли Тошкент чинни заводи» ОТАЖ

СОБИҚ ХОДИМЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Тугатиш бошқарувчиси «А.Иброҳимов номли Тошкент чинни заводи» ОТАЖ собиқ ходимлари 2005 йил 25 декабргача бўлган муддат учун иш ҳақи пулларини олиб кетишлари мумкинлигини маълум қилади.**

Иш ҳақи пуллари ҳар куни соат 15.00 дан кейин «А.Иброҳимов номли Тошкент чинни заводи» ОТАЖнинг эски маъмурият биносида берилади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Сағбон кўчаси, 30-берк кўча, 8-уй.**

Ўзингизда паспорт ёки олувчи номига нотариал тасдиқланган ишончнома бўлиши шарт.

**Маълумот учун телефонлар: 155-60-36,185-05-18.**

1061Н/1321



Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).



Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН



замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.



**La Confédération Suisse** offre des bourses d'un an d'études universitaires 2008-2009 pour les étudiant(e)s ouzbek(e)s post- gradué(e)s. Les bourses sont octroyées en priorité, pour des disciplines qui sont importantes pour le développement de l'Ouzbékistan. Les bourses de formation artistique sont exclues.

Les candidat(e)s doivent répondre aux critères suivants :
1. Limite d'âge est 35 ans
2. Degré universitaire de magistrat
3. Bonne maîtrise de la langue d'enseignement, orale et écrite (allemand, français ou italien).
4. But précis et bien argumenté des études ou de la recherche à être effectuées en Suisse. Lors de la pré - sélection les candidat(e)s devront présenter leurs projets de recherche.
5. Prise en considération des possibilités d'insertion professionnelle en Ouzbékistan après la fin d'études.

Les candidat(e)s intéressé(e)s sont prié(e)s à soumettre leurs projets de recherche, par écrit (maximum de 3 pages, en français, allemand ou italien), pour la pré - sélection à l'Ambassade de Suisse jusqu'au **12 septembre 2007** au plus tard. Les projets peuvent être soumis directement à l'Ambassade de Suisse ou envoyés par poste aux adresses suivantes :
1. Ambassade de Suisse, rue Usmon Nosir, tupik ¼., 100070 Tachkent.
2. Glavpotchtamt, P.O. Box 5770, 100000 Tachkent.

Le projet doit être accompagné de l'information suivante : copie du passeport, copie du diplôme de master, adresse exacte, numéro de téléphone, adresse e-mail.

Dans la semaine du **18 au 21 septembre**, les candidat(e)s sélectionné(e)s seront invité(e)s pour l'interview pendant lequel ils/elles devront présenter leurs projets et faire preuve de la bonne connaissance de la langue d'études prévue. Seules les personnes sélectionnées lors de l'interview seront invitées à remplir les formulaires et à contacter les universités suisses.

1068-2Н/1272



**La confederazione svizzera,** per l'anno universitario 2008-2009, offre borse di studio per studenti (uomo o donna) uzbeki post graduati. Le borse sono attribuite prioritariamente a studenti di discipline importanti per lo sviluppo dell'Uzbekistan. Borse per studi d'arte sono escluse.

I candidati devono corrispondere ai seguenti criteri:
1. Età massima di 35 anni
2. Diploma universitario con laurea
3. Buona padronanza orale e scritta della lingua d'insegnamento scelta (italiano, tedesco o francese)
4. Scopo preciso con piano dettagliato degli studi o della ricerca da effettuare in Svizzera. Al momento della preselezione i candidati dovranno presentare i loro progetti di ricerca.
5. Seria considerazione delle possibilità d'inserimento professionale in Uzbekistan dopo aver terminato gli studi.

I candidati interessati sono pregati di presentare, per la preselezione, i loro progetti di ricerca per iscritto (3 pagine al massimo, nelle lingue italiano, tedesco o francese) all'Ambasciata Svizzera entro e non **oltre il 12 settembre 2007**. I progetti potranno essere consegnati direttamente all'Ambasciata Svizzera o essere inviati per posta ad uno degli indirizzi seguenti:

1. Ambasciata Svizzera, via Usmon Nosir, tupik ¼, 100070 Tashkent
2. Glavpotchtamt, P.O. Box 5770, 100000 Tashkent

Il progetto deve essere accompagnato da una pagina con i dati personali: copia del passaporto, copia del diploma master, indirizzo esatto, numero di telefono, indirizzo e-mail, etc.

Nel corso della settimana **dal 18 al 21 settembre** i candidati prescelti saranno invitati per un'intervista durante la quale dovranno presentare il loro progetto facendo pure prova delle buone conoscenze della lingua che avranno scelto per gli studi. Solo le persone che avranno passato l'intervista con successo, saranno invitate a riempire il formulario d'iscrizione e a prendere contatto con le università svizzere.

1068-1Н/1272



**Die Schweizerische** Eidgenossenschaft offeriert für das Studienjahr 2008-2009 für usbekische Studienabgänger/innen Stipendien. Die Stipendien werden prioritär an Kandidaten/innen mit Studienrichtungen abgegeben, welche für die Entwicklung Usbekistans von Bedeutung sind. Kunststipendien sind ausgeschlossen.

Die Kandidaten/innen sollten folgende Kriterien erfüllen:
1. Alterslimite 35 Jahre
2. Universitätsabschluss mit Magister
3. Gute schriftliche und mündliche Sprachkenntnisse (Deutsch, Französisch oder Italienisch).
4. Genaues Studienziel sowie detaillierter Forschungs- bzw. Studienplan für die gewünschte Studienrichtung in der Schweiz. Im Verlaufe der Vorselektion müssen die Kandidaten/innen ihr Forschungs- bzw. Studienprojekt vorstellen.
5. Gute Wiedereingliederungsmöglichkeiten in den beruflichen Prozess nach der Rückkehr nach Usbekistan.

Interessierte Kandidaten/innen sind gebeten, ihr Forschungs- bzw. Studienprojekt für die Vorselektion in schriftlicher Form (Maximum 3 Seiten, in Deutsch, Französisch oder Italienisch) **bis zum 12. September 2007** an die Schweizerische Botschaft einzusenden. Die Projekte können entweder direkt bei der Botschaft abgegeben oder können per Post an folgende Adressen geschickt werden:

1. Schweizerische Botschaft, Usmon Nosir Strasse, Tupik ¼., 100070 Taschkent.
2. Glavpotchtamt, P.O. Box 5770, 100000 Taschkent.

Der Projektvorschlag muss von einem Schreiben begleitet werden, welches folgende Angaben enthält: Kopie des Passports, Kopie des Masterdiploms, genaue Adresse, Telefonnummer, Emailadresse.

In der Woche **vom 18. bis zum 21. September** werden die vorselektionierten Kandidaten/innen befragt. Während dieses Interviews muss das Forschungs- bzw. Studienprojekt vorgestellt werden. Es werden dessen Seriosität wie auch die mündlichen Sprachkenntnisse getestet. Nur jene Kandidaten/innen, welche dieses Interview bestehen, werden danach gebeten, die notwendigen Formulare auszufüllen und mit einer entsprechenden Universität in der Schweiz Kontakt aufzunehmen.

1068-3Н/1272


ЖАҲОН 24 соат ичида

## Гаровдагиларнинг яна бири ўлдирилди

***Сешанба куни гаровга олинган жанубий кореялик Сунг Чиннинг жасади Анзар музофотидаги Аризо Калли қишлоғидан топилди. Бу Толиблар томонидан тутқунликда ушлаб турилиб, ўлдирилган кореялик фуқароларнинг иккинчисидир.***

Сунг Чин Толиблар ультиматуми бажарилмаганлиги сабабли отиб ташланган. Унинг ўлдирилиши «Ал-Жазира» телеканали орқали намойиш этилган.

Ҳозирда тахмин қилинишича, гаровдагилар учта гуруҳга бўлиниб, турли музофотларда тутқунликда ушлаб турилибди. Расмий Кобул террорчилар билан музокараларни давом эттиришни ва 16 аёлни ҳеч бир шартларсиз озод этилишини сўрамоқда.

Эслатиб ўтамиз, Толиблар гаровдагиларни озод этиш эвазига айни пайтда ҳукумат қамоқхоналарида сақланаётган ўз тарафдорларининг 23 нафари қўйиб юборилишини ҳамда Жанубий Корея контингенти мамлакатни тарк этишини талаб қилмоқда.

## Халоскорлар ҳамкорлиги

***Ливиядаги беш нафар болгариялик ҳамширани ўз мамлакатига қайтаришда деярли 20 та давлат махсус хизмати ҳамкорликда ишлашган.***



**Бу ҳақда «EUbusiness» интернет-портали Болгария Хавфсизлик хизмати директори Кирчо Киров берган маълумотга таяниб хабар тарқатди. Унинг сўзларига кўра, Исроилнинг «Моссад» махсус хизмати Ливиядаги тегишли шахслар билан алоқа ўрнатишда катта ёрдам кўрсатган.**



## Довул ва доллар

***Атлантикада довуллар охирги юз йилликда биринчи марта икки баравар кўпайган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, иқлимнинг глобал тарзда ўзгариши бунга асосий сабаб бўлмоқда.***

Таҳлиллар натижасида шу нарса маълум бўлдики, дунё сув ҳавзаси ҳарорати кескин кўтарилиб бораяпти.

Таъкидлаш керакки, океанда пайдо бўлган довуллар сўнгги тўрт-беш йил давомида дунё иқтисодиётига бир неча юз миллиард доллар миқдорида зарар келтирди. Биргина 2005 йилда АҚШга бостириб келган «Катрина» тўфони бир ярим минг одамнинг ҳаётига зомин бўлган ҳамда мамлакатга 80 миллиард доллар зиён етказганди.

## Ҳарбий ёрдам бериш эвазига

***Расмий Вашингтон яқин ўн йил давомида Миср, Исроил ва Саудия Арабистонига ҳамда Форс кўрфазининг бир қатор давлатларига катта миқдорда ҳарбий кўмак беришга тайёр.***



Бу ҳақда Кондолиза Райс Яқин Шарқ мамлакатларига ташрифи бошланиши олдидан баёнот берди. Унга сафарда мамлакат мудофаа вазири Роберт Гейтс ҳамроҳлик қилмоқда. Улар Миср ва Саудия Арабистонига келишади.

АҚШ Давлат департаменти вакили Шон Маккормак бундан мақсад минтақа давлатлари томонидан Ироқ ҳукуматининг қўллаб-қувватланишига эришиш эканлигини таъкидлади. Ҳозирда Саудия Арабистони ва Форс қўлтиғининг бешта мамлакатига 20 миллиард доллар миқдорида ҳарбий ёрдам кўрсатилиши режалаштирилаяпти.

## Ғазо секторига қаратилган ҳужумлар

***Исроил ҳарбий ҳаво кучлари Ғазо секторининг марказий ҳудудларига ракета ҳужумларини йўллади.***

Натижада, етти нафар фаластинлик жароҳатланди. Авиация ҳужумлари уч нафар жангари кетаётган автомобилга қарши қаратилган. Исроил Мудофаа вазирлиги вакилининг билдиришича, мазкур жангарилар мамлакат ҳудудига ракета зарбаларини беришга тайёргарлик кўраётгани аниқланган.



## Кембридж — энг яхши университет

Буюк Британияда энг яхши университетлар рейтинги эълон қилинди. Унда мамлакатнинг 113 та олий ўқув юрти иштирок этди. Кембридж университети тўққиз талабнинг барчасида яхши баҳоланиб, таълим сифатининг даражасига кўра биринчи ўринни эгаллади. Оксфорд университети иккинчи ўринга лойиқ кўрилди.

## Туркияга визасиз бориш мумкин

«Today's Zaman» газетасининг хабар тарқатишича, Туркия ҳукумати бир қатор туркий тилли мамлакатлар аҳолисига нисбатан виза тизимини бекор қилди. Эълон қилинган қарорга кўра, Ўзбекистон, Озарбойжон, Мўғулистон, Тожикистон ва Туркманистон фуқаролари эндиликда 30 кун муддатга Туркияга виза олмасдан ҳам ташриф буюришлари мумкин.



**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**




### Истиқлол тенгдошлари

***Буюк неъмат — истиқлолнинг қутлуғ шукуҳи юртимизда ҳукмрон. Бугун миллатимизнинг шашту шижоати, баланд юксалиш йўлидаги ташлаётган одимлари шахдам. Буни асрларга менгзагулик ютуқлар, кундан-кун турмуши фаровонлашиб бораётган эл-улус, шу юрт эртасининг эгалари бўлмиш ёшлар азму ғайратидан англаса бўлади. Ёшларимизнинг, айниқса, истиқлолга тенгдош ўғил-қизларнинг фикри, эришаётган ютуқлари билан қизиққанимизда бунга яна бир карра амин бўлдик. Уларнинг ҳар бир гап-сўзи замирида, юриш-туришида бизнинг ҳеч ким ва ҳеч бир миллатдан кам эмаслигимизни таъкидловчи оҳанг бор.***

# «ҲУРРИЯТ ФАРЗАНДИМАН!»



— Шу йили, яъни ўн олти ёшимда Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлдим, — дейди бухоролик Зебинисо Муродова. — Беш яшарлигимдан онам Бухоро вилоят телевидениесига олиб бориб, шеър ўқитган. Болам ҳеч кимдан кам бўлмасин, деб инглиз ва араб тилларини ўрганишим учун барча шароитни муҳайё қилган, қандай аждодларнинг вориси эканини билсин, дея ҳар йили мени Самарқанд, Навоий, Шаҳрисабз, Тошкентдаги қутлуғ қадамжоларга олиб борадиган, юртим тарихини мукаммал билмоқ фарзандлик бурчим эканини уқтирган ҳам шу онажонимдир.

Мен учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти танловининг вилоят босқичида икки минг нафар қиз ичидан республикага йўлланма олганимнинг ўзи бир бахт эди. Бунда ҳам етмиш чоғли бир-биридан кучли, иқтидорли қизлар ичидан ўн тўрт киши танлаб олинди. Шулардан бири мен эдим. Катта ҳаётга эндигина қадам ташлаётган мендек ёш бир қизга бўлган бу қадар эътибор, бунчалар ишонч кўксимни ғурурга тўлдирди, янги муваффақиятлар сари қадам ташлашимда қанот бўлди. Шу юртда туғилганим, истиқлолга тенгдош эканим ва у билан бирга улғаяётганим менинг фахрим, ифтихорим.

Чиндан ҳам, Зебинисо яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланишни биладиган қиз. У ёш бўлишига қарамай Бухоро вилояти телевидениесида ёшлар ҳаёти ва иқтидорли қизлар ҳақидаги "Камолот сари", "Қизларжон" каби туркум кўрсатувларнинг муаллифи ва бошловчиси. Қолаверса, Бухоро қўғирчоқ театрида унинг қаламига мансуб эртак ва пьесалар саҳналаштирилаяпти. Вилоят ёшлари ҳаётидаги қатор ташкилий ишларда ҳам Зебинисо фаол. У "Камалак" болалар ташкилотининг шаҳар сардорлар Кенгаши раиси. Шунча юмушлардан ортиб, ўзи билан ўзи қолишни, Ватан, истиқлол, эзгулик ва муҳаббат мавзуларида шеър битишни канда қилмайди.

Пойтахтимиздаги хитой тилига ихтисослашган 59-махсус мактаб-интернат битирувчиси Наргиза Зоҳидова ҳам 16 ёшда. У уч тилда бемалол сўзлаша олади, десак, ишонмаслигингиз мумкин. Лекин бу ҳақиқат. Наргиза беш йилдирки, корейс тили бўйича мутахассислар қўлида таълим олади. Рус тилини эса саккиз яшарлигидан Ҳамза номидаги мусиқа мактабига қатнаб, таълим олиш асносида устози Лилия Усмоновадан ўрганди. Бундан ташқари, Наргиза республика Ўқувчилар саройида ташкил этилган инглиз тили курсида таҳсил олмоқда. Шу ердаги тасвирий санъат тўгарагига ҳам аъзо. Бўш қолди, дегунча тажрибали рассом ва педагог Аҳмад Маҳмудов ҳузурига ошиқади. 60 дан зиёд касб-ҳунар сирларини ўргатувчи мазкур даргоҳ ташаббуси билан республика ва халқаро миқёсдаги қатор танловларда қатнашиб, барчасида фахрли ўринларга муносиб топилмоқда.

— Яқинда "Сен Мисрни биласанми?" халқаро расмлар кўрик-танловида қатнашиб, 1-ўринни қўлга киритдим. Шундай танловларда ғолиб бўлсам, ота-онамдан бахтиёр одам бўлмайди. Уларнинг хурсандчилигини кўриш мен учун ҳам бахт. Бугун анча улғайдим, кўп нарсага ақлим етади. Айниқса, Юртбошимизнинг ёшларга ишонч билдиришлари, биз учун яратилган шароитлар билан қизиқишларини кўрганимда, янада кўпроқ ўқиб-изланишим зарурлигини ҳис этаман. Ҳозир бизнинг вазифамиз битта: у ҳам бўлса, китобдан бош кўтармай ўқиш, ўйинқароқлик, фойдасиз ишларга берилмай, билим ва ҳунар ўрганиш. Чунки бугун бизга бутун бошли давлатимиз, Юртбошимиз, ота-онамиз ҳимоячи бўлса, эртага ўзимиз учун фақат ўзимиз ҳаракат қилишимизга тўғри келади. Хоҳлаганимизча чет тилларини ўрганиб, хорижга чиқиш, улар билан тажриба алмашиш, юртимизни дунёга танитиш имкони бугун қўлимизда экан, бундан тўғри фойдалана олсак, ишончни оқлаган бўламиз.

Навоий шаҳридаги 1-гимназия ўқувчиси, ўн олти ёшли Темур Турдиев "Келажак овози — 2005" танловида ўзининг ажойиб лойиҳаси билан қатнашди. "XXI аср мактаби" деб номланган янгилиги Темурнинг танловда юзлаб ўғил-қизлар орасида ғолиб топилишига сабаб бўлди.

— Ҳозир биз, ўқувчилар учун мактабларда барча шароит етарли. Компьютер, электрон кутубхона ва интернет каби қулайликлардан қандай фойдаланиш усулларини билишимиз шарт. Мен жадвал тузиб чиқдим. Ҳафтанинг қайси кун ва қайси соатида амалий машғулотлар ўтказиш маъқуллигини шу жадвалга қараб белгилаш мумкин. Шунда ўқувчи дарсларни ўзлаштиришда қийналмайди.

— У ҳаммага бирдек тушунарли бўладими? — сўраймиз Темурдан.

— Албатта, худди дарс жадвали каби оддий. Унда компьютерда дастур тузиш, интернет билан ишлаш, электрон кутубхонадан қандай фойдаланиш кераклигини содда тилда ёзганман. Мақсадим, ҳеч бир ўқувчи замонавий техника олдида нўноқ бўлиб қолмасин. Тенгдошларим, мендан кейин мактабда ўқийдиган укаларим компьютер деганда фақатгина электрон ўйинларни эмас, муҳим дастурлар, керакли лойиҳалар тузишни ҳам билишсин.

— "Келажак овози" танловида қатнашиб, ғолиб бўлганингиз сизга қандай наф берди?

— Жуда кўплаб иқтидорли тенгдошларим, уларнинг танловга тақдим этиш учун олиб келган лойиҳалари билан танишдим. Ўзим тенги қашқадарёлик бир қизнинг ўсимликлардан табиий ранг олиш усулини кўриб, жудаям ҳайратландим. У катта-катта завод ва фабрикаларда қилиниши керак бўлган ишларни қўлда усталик билан бажарар экан. Яна табиий рангларнинг ҳали кашф этилмаган турларини оддийгина ёнғоқ пўчоғи, дарахт пўстлоғи, ўсимликлар илдизи ёрдамида тайёрлаяпти. Ахир, бу мўъжизанинг ўзи-ку!

Юртимизда ўтказилаётган бундай танловлар биз ёшларнинг иқтидоримизни юзага чиқариш ва у орқали ҳаётда ўз йўлимизни топишимиз учун жуда ҳам керак. "Келажак овози" мени ғолиб деб топишдан ташқари, лойиҳаларим мутахассислар иштирокида кўриб чиқилиб, камчиликлари устида ишлаганимдан сўнг, амалиётда қўлланилишида ҳам кўмак бермоқда. Қилган ишим қоғозда қолиб кетмай, натижа берса, яна янги ғоялар ўйлаб топишимда туртки бўлса, энг катта наф шу, менимча. Келажакда ватаним равнақи учун хизмат қиладиган кўплаб кашфиётлар қилиш ниятим бор, ҳали.

Шу бокира ниятлар ўз ижобатини топишига биз ҳам тилакдошмиз.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «ШУ АЗИЗ ВАТАН — БАРЧАМИЗНИКИ»



***Ёзнинг иссиқ кунлари болажонлар учун унутилмас дамлар ҳисобланади. Дам олаётган болакайларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари, янги ўқув йилини илиқ таассуротлар билан кутиб олишлари учун оромгоҳларда турли тадбирлар уюштирилаётир.***

### Таътил

Жумладан, Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги, туман маънавият ва маърифат кенгаши Республика Маънавият тарғибот маркази билан ҳамкорликда "Ўзкабель" қўшма корхонаси ОАЖга қарашли "Зилола" болалар соғломлаштириш оромгоҳида "Шу азиз Ватан — барчамизники" мавзуида тадбир ўтказди. Мазкур учрашув таниқли олимлар, адиб ва ёзувчилар иштирокидаги қизғин бадиий кечага айланди.

— Туманимиз тасарруфидаги барча оромгоҳларда маънавий тарғибот тадбирларини ўтказиб келяпмиз, — дейди Мирзо Улуғбек тумани маънавият ва маърифат кенгаши масъул ходими Ҳалима Жуманиёзова. — Она заминга, муқаддас қадриятларга ҳурмат, истиқлол неъматларини эъзозлашни ёш авлод қалбига сингдириш асосий мақсадимиздир.

385 нафар бола тарбияланаётган ушбу масканда уларнинг дам олиши учун барча шароит муҳайё. Атрофнинг саранжом-саришталигини кўриб дил яйрайди. Айниқса, Надежда Браташова ташаббуси билан яратилган, 15 мингга яқин китоб фондига эга кутубхона болалар билан гавжум, улар турли-туман адабиётларни қўлма-қўл мутолаа қилишмоқда. Бу ерда "Биз чекмаймиз, ичмаймиз", "Она табиатни асраймиз", "Ватанга қўрғон бўлайлик" каби кўрик-танловларнинг мунтазам ўтказилиши болажонларнинг маънавий савиясини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Кун давомида Мирзо Улуғбек тумани тасарруфидаги "Феруза", "Гулшан", "Юлдуз" маданият уйлари санъаткорларининг она замин, Ватанни мадҳ этувчи мусиқий дастурлари болаларга хушкайфият улашди.

— Ҳар бир ота-она учун фарзанддан азиз, унинг хурсандчилигини кўришдан ортиқ қувонч бўлмаса керак, — дейди "Ўзкабель" ОАЖ корхонаси касаба уюшмаси раиси Рустам Турсунов. — Шу сабаб, болалардан эътибор ва ғамхўрлигимизни аямаслигимиз даркор. Зеро, улар катталар бошлаган эзгуликларни охирига етказувчи, эртамизни нурафшон этувчи зурриётларимиздир.

**Шоира БОЙМУРОДОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


ҒИШТ ЗАВОДИГА
ҒИШТНИ ПЕЧГА ТЕРУВЧИЛАРНИ
ВА ГАЗ-ЭЛЕКТР ЧИЛАНГАРЛАРНИ
ЮҚОРИ МАОШЛИ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ.
Ётоқхона таъминланади.
Тел.: 388-15-80, 137-12-62.



Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг
«Универсал биржа маркази» МЧЖ

2007 йил 4 сентябрь куни соат 11.00 да «Ўзбекистон Банклари ассоциацияси» биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан тақдим этилган Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Мусахонов (Ҳамза) кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган «Toshqishloqmash» ОАЖга тегишли қуйидаги мулкларни қўймоқда.

2006 йил 12 сентябрдаги 10-0611/11268-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, 1931 йилда қурилган, жами 3762 кв.м.дан ташкил топган фотолаборатория бино ва иншоотлари.

*Бошланғич баҳоси — 55 663 488 сўм 06 тийин.*

2006 йил 12 сентябрдаги 10-0611/11269-сонли ижро ҳужжатига асосан, жами 1256 кв.м.дан ташкил топган 33-сонли цех биноси ва иншоотлари.

*Бошланғич баҳоси — 17 500 319 сўм 48 тийин.*

2006 йил 24 апрелдаги 10-0511/5061-сонли ижро ҳужжатига асосан, жами 1748 кв.м.дан ташкил топган 36-сонли цех биноси ва иншоотлари.

*Бошланғич баҳоси — 17 777 994 сўм.*

*Қизиқиш билдирган харидорлар ушбу мулкларни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб кўришлари мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжат рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини «Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банк Автотранспорт филиалининг «Альянс» мини-банкдаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.*

Лицензия DB001 № 000010.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уй. Тел.: 138-69-94, 138-69-93.







# "Зиёкор"нинг зиёси

***Урганч давлат университети қошида "Зиёкор" маънавий-маърифий клуби иш бошлади.***

Унинг фаолияти талаба ёшларнинг маънавий дунёсини янада бойитиш, ўзаро тажриба алмашиш ва талабаларнинг шахсий ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган.

"Зиёкор" клуби қисқа муддат ичида юзлаб ёшларни жалб этди. Бу ерда таниқли шоир ва ёзувчилар, эл ардоғидаги санъаткорлар билан учрашув ҳамда давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Шунингдек, ҳафтасига икки маротаба тарбиявий аҳамиятга эга бўлган кинофильмлар намойиш этилаяпти.

Яқин кунларда клуб қошида чет тиллари бўйича курслар ташкил этилиши режалаштирилмоқда.

**О. ЖУМАНИЁЗОВ.**

Спорт • Sport • Спорт •

# Руслан — рейтингда биринчи



***Халқаро бокс ассоциацияси (WBA) июль ойининг энг кучли боксчилари рейтингини эълон қилди.***

Рўйхатнинг биринчи поғонасида ҳамюртимиз, ушбу йўналишнинг ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони Руслан Чагаев бормоқда. Иккинчи ўринни россиялик собиқ жаҳон чемпиони Николай Валуев эгаллаб турибди. Шунингдек, беларуслик Сергей Ляхович ва америкалик Жон Руиз ҳам рўйхатнинг юқори поғоналаридан жой олишган.

Халқаро бокс ташкилоти (WBO)да ҳам июль ойи рейтинги эълон қилинди. Ўзбекистонлик боксчилар Қаҳрамон Орзиқулов (52,1 кг.) ва Қувончбек Тойғонбоев (69,8 кг.) чемпионлик учун жанг ўтказиш ҳуқуқини берувчи ўринларга тобора яқинлашиб боришмоқда. Рейтингда Қаҳрамон бешинчи, Қувончбек эса олтинчи ўринда қайд этилган.



***Қозоғистонда мотопойга бўйича ўтказилган кўп босқичли халқаро турнирда ҳамюртларимиз муваффақиятли иштирок этишди.***

# Ҳамюртларимиз совриндор

Унда Қозоғистон, Россия ва Ўзбекистоннинг энг кучли мотоспорт усталари ғолиблик учун баҳс юритди. Мусобақада терма жамоамиз вакилларидан Андрей Сазанов ва Константин Сичев совриндорлар сафидан жой олишди.



***Сингапурлик ҳакам Йеу Мун Тан Осиё футбол конфедерацияси раҳбарлигида ўтказиладиган барча расмий учрашувлардан четлаштирилди, деб хабар беради uff. uz сайти.***

# Ҳечдан кўра кеч

Бу ҳақда куни кеча бўлиб ўтган ОФК ҳакамлар қўмитаси йиғилишида эълон қилинди. Йеу Мун Тан Осиё кубогининг чорак финалида Ўзбекистон ва Саудия Арабистони терма жамоалари ўртасидаги учрашувда ён қанот ҳакамы вазифасини бажарган эди. Айнан унинг қўпол хатоси туфайли Максим Шацких томонидан киритилган гол ҳисобга олинмаганди.

Шунингдек, Осиё кубоги ўйинларини бошқаришда хатоликларга йўл қўйган бошқа ҳакамлар ҳам жазоланди.



# Кака 90 миллион еврога баҳоланди

Мадриднинг "Реал" жамоаси раҳбарияти "Милан" (Италия)да тўп сураётган бразилиялик ярим ҳимоячи Кака учун 90 миллион евро (123 миллион АҚШ доллари) миқдорида маблағ тўлашга тайёр эканлигини маълум қилди, дейилади Lenta.ru хабарида.

Агар бу келишув амалга ошса, Кака трансфер бозори тарихида энг қиммат футболчига айланади. Ҳозирги кундаги рекорд Зайниддин Зиданга тегишли бўлиб, 2001 йили «Қироллик клуби» франциялик футбол юлдузини сотиб олиш учун "Ювентус"га 75 миллион евро тўлаганди.

# Маскаев рози



***Профессионал боксинг ўта оғир вазнида WBC (Бутунжаҳон бокс кенгаши) йўналиши бўйича жаҳон чемпиони россиялик Олег Маскаев нигериялик Сэмюэль Питер таклиф этган талаб бўйича жангга чиқишга рози бўлди, деб хабар беради The Sacramento Bee.***

Унга кўра, ушбу жанг учун Маскаев мукофот жамғармасининг 55 фоизи миқдорида гонорар олади. Бу 1,7 миллион АҚШ доллари деганидир. Унинг рақибига эса 1,4 миллион АҚШ доллари миқдорида пул берилади.

Авваллари чемпионга мукофот жамғармасининг 70 фоизи бериларди. Россиялик боксчи бироз олдин жангга чиқишга рози бўлмаётганди, аммо WBC раҳбарияти ундан чемпионлик камарини тортиб олиб қўймоқчи бўлгандан сўнггина бу шартга кўнди.

Мазкур жанг жорий йилнинг 6 октябрь куни Нью-Йоркдаги муҳташам "Madison Square Garden" спорт мажмуасида бўлиб ўтади.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари университет «Ахборот-ресурс маркази» раҳбарининг ўринбосари Саида Қаюмовага отаси

**Эргаш ЙЎЛДОШЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 25012 нусхада босилди,
ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулда босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т — Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — А. Самадов.
Мусаҳҳих — М. Ёқубова.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 22.25 1 2 3 4 6